



## Халқаро Таълим Туриزمни - Туризмни Ривожлантиришнинг Стратегик Йўналиши Сифатида

**Аннотация:**

Мазкур мақола таълим туризмнинг ривожланиши ҳолати, халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрни ҳамда яқин ва узоқ келажакда ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини янада кўтаришга қаратилган.

**Калим сўзлар:**

туризм, туристик фаолият, таълим, таълим туризми, туристик салоҳият.

**Information about  
the authors**

**М. Ибрагимова**

Катта ўқитувчи, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ҳозирги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётган соҳаларидан бири бўлиб, ушбу соҳага эътибор йилдан йилга тобора кучайиб бормоқда ва мутахассислар томонидан “келажак индустрияси” сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз туризмни ривожлантиришда ҳар қандай хорижий мамлакатдан қолишмайдиган имкониятларга эга эканлиги, шу боис кўплаб муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз мустақилликка эришган йилдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар замон талабларига жавоб берадиган туризм турларини ташкил топтириш, инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўз ижобий натижаларини бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил БМТнинг 72-ассемблеясида таъкид этганларидек - “мустақил ўлкамизнинг жаҳон ҳамжамиятида кенг миқёсда эътироф этилиши” дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари билан ўзаро дўстона муносабатларнинг янада барқарорлашиб боришига, туризм борасида айтадиган бўлсак ташриф буюраётган туристлар оқимининг йил сайин ортиб боришига, юртимизда мавжуд янгидан-янги туризм имкониятларининг кашф этилаётганлиги ва бошқа шу каби ўзгаришлар фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Маълумки туризмни ривожлантиришнинг турли шакллари, воситалари ва омиллари борки, жамланган салоҳиятдан оқилона фойдаланиш яқин ва узоқ келажакда ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини янада кўтаришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда таълим узлуксиз ривожланаётган истиқболли соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон банки томонидан 174 та давлатнинг 2020 йил учун “Инсон капитали индекси” эълон қилинди. Мазкур рейтингга Ўзбекистон ҳам илк маротаба соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги маълумотлари билан иштирок этди. Ушбу рейтинг ўз ичига пандемиягача, яъни 2020 йил март ойига қадар бўлган даврни камраб олад. Шунга кўра Ўзбекистонда инсон капитали индекси 62% ни ташкил этди. МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон Беларусия (70%),



Россия (68%) ва Қозоғистондан (63%) кейинги ўринда туради<sup>1</sup>. Бу эса Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбияга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Амалга оширилган таҳлил натижалари Ўзбекистонда туризмнинг суст ривожланганлиги ялпи ички маҳсулотдаги ва иш билан банд аҳоли сонигаги улуши бўйича бошқа давлатлардан жуда орқада эканлигини кўрсатди (1-жадвал).

**1-жадвал. Жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистонда туризм ривожланишининг қиёсий таҳлили<sup>2</sup>**

т/р	Мамлакат номи	Мамлакат бўйича ўсиш суръатлари (2021 йил 2020 йилга нисбатан), %		Туризм хизматлари соҳасининг мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улуши, % (2021йил)		Туристлик хизматлар экспорти (2021 йил)	
		ЯИМ ҳажми	жумладан, халқаро туристлар сони*	ЯИМ таркиби	Иқтисодиётда банд аҳоли таркибида	хизматлар экспорти, млрд.долл.	жами экспортдаги улуши, %
1.	АҚШ	5,6	49	5,5	6,9	40,3	1,6
2.	Хитой	8,1	-87	4,6	9,7	14,1	0,4
3.	Япония	1,6	-94	4,2	8,2	1,0	0,1
4.	Германия	2,8	7	6,4	11,4	24,6	1,3
5.	Италия	6,6	5	9,1	11,6	22,9	3,6
6.	Буюк Британия	7,4	-42	5,7	11,7	4,7	0,6
7.	Франция	6,9	16,1	6,5	9,0	43,9	5,4
8.	Туркия	10,9	88	7,3	8,4	28,1	9,8
9.	Испания	5,1	42	8,5	12,7	34,0	7,4
10.	Таиланд	1,5	0,4	5,8	18,1	3,9	1,3
11.	Филиппин	5,7	-88,9	10,4	17,8	0,8	0,8
12.	Австралия	1,4	-87	4,7	10,3	0,9	0,2
13.	Россия	4,8	-74	3,7	5,3	6,0	1,1
14.	Ўзбекистон	7,4	25	2,6	4,8	0,4	2,3
	<b>Жаҳон бўйича</b>	<b>13,1</b>	<b>9</b>	<b>6,1</b>	<b>6,7</b>	<b>1,038</b>	<b>21,7</b>

Жадвал маълумотлари Ўзбекистонда туризм ўта муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар, яъни ЯИМ ва иқтисодиётда банд аҳоли сони бўйича жаҳон хўжалиги эришган кўрсаткичларга

<sup>1</sup>Ўзбекистон илк маротаба Жаҳон банкининг инсон капитали индексида иштирок этди. “Газета.уз” расмий сайти. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/18/hci/>

<sup>2</sup> <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.



нисбатан сезиларли даражада пастлигидан далолат беради. Масалан, агар жаҳон хўжалиги бўйича туризм соҳасининг ЯИМдаги улуши 6,1 фоизни, иқтисодиётда банд аҳоли сонидаги улуши эса 6,7 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2,6 ва 4,8 фоизни ташкил қилган. Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши Туркия кўрсаткичларидан қарийб 3 марта, Испаниядан 3,2 марта, Италия 3,5 марта, Филиппин мамлакатидан эса 4 марта паст.

Туризм хизматлари соҳасида бандларнинг иқтисодиётда банд аҳоли сонидаги таркиби бўйича ҳам деярли шундай аҳволни кузатиш мумкин. Ушбу рақамлар Ўзбекистон улкан туристик салоҳиятга эга бўла туриб, уни рўёбга чиқариш ва миллий даромадни шакллантиришнинг асосий манбаларидан бирига айлантириш имкониятларидан унумли фойдалана олмаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ички туризм заиф ривожланишининг асосий сабаблари, бизнинг назаримизда, аҳоли даромадларининг пастлиги, ички туризм учун қулай шароит яратилмаганлиги, ташкилий масалалардаги камчиликлардан иборат.

### 2-жадвал. Дунёда 2010-2019 йилларда халқаро туристлар сони ва халқаро туризмдан тушумлар динамикаси<sup>3</sup>

т/р	Йиллар	Халқаро туристлар сони, млн.киши	Халқаро туристлардан келган тушумлар (туризм экспорти) млрд.доллар
1.	2010	1667,6	1137975,5
2.	2015	1966,2	1468670,5
3.	2016	2031,5	1498024,4
4.	2017	2135,2	1629725,4
5.	2018	2221,4	1766172,8
6.	2019	2280,1	1815194,6

Бутун жаҳон Туризм Ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё аҳолисининг 3,5 фоизи халқаро миқёсда саёҳат қилишади. 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 7,0% ни ташкил этиши керак эди<sup>4</sup>. Лекин пандемия оқибатида бу кўрсаткичга эришилмади. Ўтказилган таҳлиллар халқаро сайёҳлар сони доимий равишда ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Сўнгги 20 йил ичида дунёга келган хорижий сайёҳлар сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати тахминан 5% ни, валюта тушуми эса 15% ни ташкил этди. Агар 2010 йилда дунё бўйлаб сайёҳлар сони 1667,6 млн.кишини ва халқаро туризмдан тушумлар 1137975,5 млрд.доллари ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 2280,1 млн. киши ва 1815194,6 млрд. долларни ташкил этган (2-жадвал).

Халқаро туризмнинг ривожланиши ва талабнинг бундай суръатларда ўсиши халқаро саёҳатлар сонининг ортишига ҳамда уларнинг сарф-харажатларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Саёҳат қилган кишилар сони 1995 йилда 563 миллион кишини ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 1062 миллион кишини ташкил қилди. Шу билан бирга, 1995 йилда 401 млрд. доллар даромад олинган бўлса, 2020 йилда 2000 млрд. доллар даромад олинди. Ривожланган мамлакатларнинг 70 фоизи XXI асрда халқаро таълим туризмни ривожлантириш сиёсатига, инсоният учун тинчлик ҳамда осойишталик рамзи сифатида ҳукуматлараро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, эркин саёҳат қилишга тўсқинлик қилувчи жараёнларни камайтириш, сайёҳларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, туристик марказларнинг барқарор ривожланишини рағбатлантириш каби муҳим масалаларни ўз ичига олган устувор сиёсатдир

<sup>3</sup> <https://www.e-unwto.org/loi/unwtotfb> - Жаҳон туризм ташкилоти маълумотлар базаси сайти.

<sup>4</sup> <https://www.wto.org> – Халқаро савдо ташкилотининг расмий сайти.



деб муносабат билдирмоқдалар. Жаҳон банки маълумотларининг таҳлилларига таянадиган бўлсак, 2010 йилларга келиб халқаро таълим туризм бозорининг тенденцияси ўзгара бошлаган, халқаро туризм сиёсатида ўз таъсирига эга деган хулосага асос бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда ҳам туризм жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 3-жадвал маълумотлари 2019 йилда хорижий туристлар сони 2010 йилга нисбатан 19,2 мартага, ички туристлар сони эса худди шу давр мобайнида 27,3 мартага ошганини кўрсатди.

**3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда туризм соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари<sup>5</sup>**

т/ р	Кўрсаткичлар	Йиллар						Ўзгариши (2019 йил 2010 йилга нисбатан)	
		2010	2015	2016	2017	2018	2019	+;-	ўсиш суръати,%
1.	Ўзбекистонга хориждан ташриф буюрган туристлар сони, минг киши	431,0	2034,3	2157,7	2847,9	6433,0	8279,0	+7848	19,2
2.	Туристлик хизматлар экспорти, млрд. сўм	121,5	1341,5	1273,8	4300,6	10670,6	13688,5	+13567	112,7
3.	Ички туристлар сони, минг киши	538,7	1754,2	1871,7	2145,9	14000,0	14700,0	+14161	27,3
4.	Меҳмонхоналар сони, дона	434	661	720	816	914	1051	+617	2,4
5.	Туроператорлар сони, киши	х	х	х	х	850	983	х	х

Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантиришда таълим туризмидан фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси ҳисобланади. Таълим туризми бутун дунёда тан олинаётган туризм иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳасидир. Кўпгина тадқиқотчилар уни туризмнинг етакчи ва энг истиқболли тармоқларидан бири деб ҳисоблашади.

Сир эмаски, дунё миқёсида ижтимоий-иқтисодий глобаллашиш жараёни кучайиб бораётган ҳозирги кунда таълим туризми йўналиши кўпгина мамлакатлар учун миллий даромад топишнинг энг самарали йўлларида бирига айланиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодий соҳада янги курсни, яъни иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган инновацион ривожланиш йўлини танлаган. Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда таркибий ўзгаришлар, сифат ўзгаришлари ва янги ёндашувларни назарда тутди. Бунда ижодкорликка, маълумотни тезкор қайта ишлаш қобилиятига, энг муҳими, олинган кўникмалардан профессионал тарзда фойдаланишга тобора кўпроқ эътибор қаратилади. Шунинг учун, тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатаётган таълим туризми хизматлари бозорининг бўлиши мамлакат раўнақининг

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. Расмий сайт: stat.uz



ва жаҳон бозорида ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алиева М.Т., Умаржонов А. Туристтик мамлакатлар иқтисодиёти. –Т.: Иқтисодиёт – Молия, 2005. – 339 б.
2. Мухаммедов М.М ва бошқ. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. // Профессор М.М.Мухаммедовнинг умумий таҳрири остида . – Самарқанд: Зарафшон ДК, 2017. – 275 б .
3. Ismoilovna, I. M., & Amirbek, A. (2022). Ways to Improve the Communication Relationship of the Educational Tourism Organization With Consumers. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(6), 230-233.
4. Dong Nan. Preliminary Analysis of Educational Tourism Market. *Liaoning Economy*. 2004. – № 10, – pp. 12-15.